

яшыны таярлау керек. Педагогика, психология, медицинаға оқыўшынын машкаласының алдын алыў ҳәм оны коррекци-
тийисли қосымша таярлықлар суицидаль ҳәрекетке ийе ялаўды шеберлик пенен шешиўге жәрдем береді.

Әдебиятлар

1. Амбрумова А.Г., Тихоненко В.А. Суицид как феномен социально – психологической дезадаптации личности. Актуальные проблемы суицидологии. -М.: 1998, -С. 6-28.
2. Асадов Ю., Мусурманов Р. «Ўсмирлар девиант хатти-ҳаракатининг ижтимоий – психологик хусусиятлари. -Тошкент: 2011, 16-23-б.
3. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. -Т.: Университет, 2002.
4. Жезлова Л.Я. К вопросу о самоубийствах у детей и подростков. Актуальные проблемы суицидологии: Сб. статей / отв. Ред. А.А. Портнов. - М.: 1998.
5. Нечипоренко В.В. Некоторые аспекты суицидального поведения у акцентуированных личностей в юношеском возрасте. Саморазрушающее поведение у подростков. Сб.науч. трудов. -Л.: 1991, -С. 36-40.
6. Осипова А.А. Справочник психолога по работе в кризисных ситуациях. – Ростов: «Феникс», 2005. –С. 382-302.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўсмирлар орасидаги суицидаль ҳолатларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва суицидаль ҳаракатларнинг турлари (демонстратив, аффектив, ҳақиқий), таъки ва ички суицидаль ҳаракатларнинг мазмуни ва таълим тизимидаги ҳодимларнинг бундай ҳолатларни ечиш бўйича зарур билим ва маълумотга эга бўлишининг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются причины возникновения среди подростков суицидальных инцидентов, приводится информация о видах поведения (демонстративное, аффективное, истинное), в том числе внутренних и внешних суицидальных поведениях. Рекомендуется решение этих проблем с помощью кадров осведомлённых необходимыми знаниями и работающих в структуре системы образования.

SUMMARY

The article deals with the information about the reasons of suicidal incidences among teenagers and the kinds of behavior (demonstrative, affective, true), including internal and external suicidal behavior. It is recommended to solve such problems by qualified personnel having necessary knowledge and working in the sphere of education system.

ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

М.Қ.Раҳманова - *катта илмий ҳодим изланувчи*

Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: ижтимоий фаоллик, моҳият, зарурият, долзарб, ўйин, муаммо, функция, кўникма.

Ключевые слова: социальная активность, сущность, смысловое значение, функция, игра, проблема, процесс педагогического образования.

Key words: social activity, semantic value, function game, problem, process of pedagogical education.

Мамлакатимиз таълим тизимининг ҳозирги босқичида юксак малакали, ижтимоий ахлоқли ва фаол мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Жамиятимиз ривожига мукаммал таълим-тарбия олган ёш авлоднинг вояга етказиши тақозо этмоқда. Шу маънода талабаларда ижтимоий фаолликни шакллантириш ва бу ишни оқилона амалга ошириш долзарб вазифалар сирасига кирилади. Бу масала бир неча заруриятлар билан белгиланади:

биринчидан, шахсда ижтимоий фаолликни ёшлиқдан шакллантириш;
иккинчидан, бу ишни дастлабки "босқичда мақсадли амалга ошириш самарали ҳисобланиши;
учинчидан, бунинг учун педагог муайян малака, кўникма ва маҳоратга эга бўлиши керак.

Миллий ва жаҳон педагогикаси тажрибасига кўра, шахсда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришда оила ва таълим муассасаси муҳим ўрин тутуши назарий ва амалий жиҳатдан исботланган. Айни пайтда, оила ва таълим муассасаларида амалга ошириладиган вазифа ижтимоийлаштириш характерида бўлишини таъкидлаш жоиз. Қизиқтирадиган муаммо эса, талабада ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришда.

Талабаларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш ижтимоий ва педагогик аҳамиятга эга. Бугунги талаба компьютер, мобил алоқа воситаси каби техник имкониятлардан фаол фойдаланмоқда. Бу техник воситалар талабаларнинг онгини жалғитувчи ахборотларнинг кўпчилиги натижасида ёш авлоднинг билимли, доно, ақлли ва мақсад-муддаоли бўлиб вояга етиши эҳтиёжи туғилмоқда. Бу омиллар талабаларда таълим ва тарбиянинг уйғунлиги воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш тақоза этади. Шу жиҳатдан ижтимоий фаоллик ижтимоийлаштиришдан кейинги босқич бўлиб, у муайян билим ва кўникма ҳосиласидир.

Мазкур ёндашувимизга кўра, шахснинг ижтимоий фаоллик кўникмаси пойдеворини бошланғич таълимда қўйиш ва кейинги таълим босқичларида уни ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ижтимоий фаоллик кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг негизини ҳаётий билим, дунёқараш ва ахлоққа эга бўлиш ҳамда фаолият ва ҳаётга тайёргилишни ташкил қилади. Бунда ҳаётий билим - дунёқараш ва мустакил фикрнинг шаклланишига асос бўлувчи билимлар мажмуини, дунёқараш - олам, борлик ва одам ҳақида илмий тушунчага эга бўлишни, ахлоқ - фазилатлар ва сифатларни, фаолият - жамият маданий даражасига мос ҳаракатни ва ҳаётга тайёргилик эса мазмунли умр кечириш асосларидан хабардорлиқни ифодалайди. Ҳар бир жамият шахснинг ижтимоий фаоллигига таянади. Таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жамиятимиз талаблари ва илмий-педагогик тадқиқотларда баён қилинган назарий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, талабаларда ижтимоий фаоллик кўникмаларни шакллантириш моҳиятини шундай белгилаш мумкин: талабаларнинг ижтимоий тушунчаси, онги, фикри ва ахлоқини шакллантириш ижтимоий фаоллик асосидир. Унга кўра,

талабалар давлат таълим стандартларига мувофиқ ижтимоий ҳаёт тўғрисида талаб даражасида тушунчага эга бўлиши, онги ижтимоийлаштириш, мустакил фикрлай олиши ва жамият талабларига мос ахлоқ эгаси бўлиши керак. Шундай ёндашув миллий ва жаҳон педагогикаси талабларига мос келади. Бугунги олий таълим жараёнида мазкур ёндашув муайян даражада амалга оширилмоқда. Бунинг учун қуйидаги ташкилий-педагогик ишлар амалга оширилиши керак:

- талабаларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик ва методологик асосларини ишлаб чиқиш;
 - ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришнинг мезонлари, методлари, воситалари ва технологияларини белгилаб олиш;
 - шакллари ва механизмларини аниқлаб олиш ва ҳ.к.
- Бундан ташқари таълим жараёнида талабаларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришда қуйидаги жиҳатларга ҳам эътибор беришимиз зарур:
- илмий;
 - педагогик;
 - амалий.

Бу масаланинг илмий аҳамияти талабаларининг ижтимоий онги, дунёқараш ва ахлоқини қутилган даражада давлат таълим стандартларига мос равишда шакллантириш билан белгиланади. Бунинг учун жамият эҳтиёжлари, замон талаблари ва ҳаётий қоидаларга асосланиш керак бўлади. Чунки бугунги кунда талабаларнинг ижтимоий онги, дунёқараш ва ахлоқига салбий таъсир кўрсатувчи ҳодисалар, маълумотлар ва мотивацион материаллар компьютер, мобил алоқа воситалари, дастурлари ва Интернет орқали кенг тарқатилмоқда. Бунинг натижасида талабаларда турли ижтимоий иллатларнинг пайдо бўлаётгани сир эмас.

Мазкур масаланинг педагогик аҳамияти шундаки, талабаларининг ижтимоий лаёқати ривожлантирилади, уларнинг қизиқиш ва интилишлари йўналтирилади. Таълим ва тарбия самарадорлиги ортида, талабаларнинг ижтимоий мулоқот ва муносабат шаклланади.

Масаланинг амалий аҳамияти талабаларнинг ижтимоий фаоллашувини тезлаштириш, уларнинг ижтимоий лаёқатларини рўёбга чиқариш ва қўллаб-қувватлаш, таълим-тарбиянинг янги имкониятларидан оқилона фойдаланишдан иборат.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, талабаларнинг ижтимоий кўникмаларини уларнинг дастлабки босқичдаги ижтимоий билим, кўникма ва малакага эга бўлишини ташкил қилади. Ижтимоий билим - бу талабаларининг ҳаётий тушунча, ёшига мос мустакил фикр ва ёндашувларга эга бўлиши, ижтимоий кўникма уларнинг фаолият, мулоқот ва муносабат асосларини ўзлаштириш ҳамда ижтимоий малака эса ҳаёт ва фаолиятга тайёргарлиқдир. Бунга эришиш учун талабаларни тегишли назарий билим, амалий малака ва методологик асослар билан қуроллантириш керак бўлади.

Маълум бўладики, талабаларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини қутилган даражада шакллантириш учун олий педагогик

таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини бу ишга тайёрлаш керак бўлади. Бу борада ҳам бугунги кунда муайян ишлар амалга оширилмоқда, бироқ улар мақсадли ва тизимли асосда эмас. Шу сабабли талабаларни ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришга мақсадли тайёрлаш ва бу ишни оқилона ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда қуйидаги асосий функцияларни белгилаш мумкин:

- талабаларнинг ижтимоий билими, кўникмаси ва ахлоқини шакллантириш асослари билан қуроллантириш;
- мазкур ишнинг методологияси, методлари ва технологиялари билан таништириш;
- талабаларнинг ижтимоий кўникмаларини шакллантириш бўйича талабаларнинг етарли кўникма, билим ва малакаларини шакллантириш;
- талабаларда педагогик ижодкорлик ва мустақил фаолият юритиш маҳоратларини ҳосил қилиш;
- бу ишни қутилган даражада амалга ошириш учун ижтимоий фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш, махсус курслар, клублар, тўғараклар ва мустақил таълим каби шакллардан оқилона фойдаланиш.
- Бу ишларни амалга ошириш учун ўзига хос моделни шакллантириб олиш лозим. Ўқитувчиларни талабаларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришга тайёрлашга оид жаҳон педагогикаси тажрибасини кузатиш шундай ҳулосага олиб келадики, ҳар бир мамлакат реал имкониятлардан келиб чиқиб модел танлаган. Жумладан, Америка Қўшма Штатларида "фаолият мактаби" моделидан (Д.Дюн асослаган) фойдаланилади. Унга кўра, таълим ҳаётга тайёрлашга ва болаламинг лаёқатини табиий ривожлантиришга йўналтирилган. Бунда баҳони ижтимоий конструктив (фойдани), ижодий ва ўзини англаш фазилатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Талабаларнинг дарсдан ташқари мулоқотга киришишига диққат қилинади.

Бу йўналишлар қуйидаги умумий хусусиятлардан иборат:

- а) талабаларни янги ёндашувлар асосида ижтимоий кўникмаларини шакллантириш;
 - б) хоҳиш-истаклари ва интилишларига диққат қилиш;
 - в) шахсий лаёқат ва қобилиятларини изчил ўрганиб бориш.
- Жамиятимизда бирдай амалиёт синовида ўтган педагогик тажрибаларни ҳисобга олиш имконияти бор. Шу маънода олий педагогик таълим жараёнида талабаларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришнинг миллий моделини асослаш мумкин. Бунда бўлажак талабани қуйидагилар бўйича малакасини шакллантириш лозим:
- талабаларнинг индивидуал лаёқати, хоҳиш-истаги ва қизиқишларини аниқлаб олиш;
 - таълим ва тарбияни ҳаёт ва ижтимоий фаолият билан боғлиқ ҳолда олиб бориш;
 - талабалар билан индивидуал ва умумий тарзда ишлаш;
 - нисбатан амалий машғулотларга эътибор бериш;
 - таълим жараёни иштирокчилари (ота-оналар. Жамоатчилик ва мутахассислар) кўпчилигидан унумли фойдаланиш;
 - талабалар ижтимоий кўникмаларининг шаклланиш жараёни мониторинг қилиб бориш ва ҳ.к. Бу масалалар айнан олий педагогик таълим жараёнида мақсадли шакллантирилиши лозим.

Шахс фаоллиги фан-техника ва ижтимоий тараққиёт асосида ётади. Фаоллик - бу тушунишга, эсда сақлашга ва билимларни тақдорлашга иницилиш билан алоқадор бўлиб, ўрганилаётган нарсанинг моҳиятига етишни, жараёнлар ва ҳодисалар ўртасида алоқа ўрнатишни, ўзгартирилган шароитларда олинган билимларни қўллаш усулларини эгаллаш билан боғлиқ. Ижодий фаоллик билимларни назарий таҳлил қилишга интилиш билан бир қаторда муаммони ҳал етишни, мустақил излашни, билиш эҳтиёжларини қондиришни кўзда тутди.

Фаол шахснинг моҳияти шундаки, унда мақсадга интилувчанлик, қатъиятчилик, ҳаракат қилишга хоҳиш, ишчанлик ва ташаббускорлик билан изоҳланадиган эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиқадиган мустақил фаолиятга интилишда намоён бўлади.

Ижтимоий фаоллик шахснинг ҳар томонлама ривожланиш, мақсад ва воситалари сифатида талқин қилинади. Шахс фаровонлигига уйғун бўлган ижтимоий фаровонликни кўпайтиришга ёрдам берадиган фаолият сифатида намоён бўлади. Ижтимоий идеалларга эришиш учун меҳнат қилишга, онгли қарор қабул

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч. - Т.: "Маънавият", 2008.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лўғати. - Т.: 2009.
3. Олий таълим. Меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 2 жилдли. - Т.: 2014.
4. Ҳасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли лўғат. - Т.: 2009.

қилиш, шахснинг ўзини ифодалаш ва ўзини кўрсатиш сифатида фаолият юритади.

Ижтимоий фаоллик жамоа, гуруҳ, неформал уюшма шароитларида мулоқот қилиш ва фаолият кўрсатиш, атрофдагилар билан сермахсул ҳамкорлик қилиш. тенгдошлар, катталар ва кичиклар олдида маълум мажбуриятларни ижодий бажариш, тадбиркорлик кўрсатиш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнларида, фуқаролик фаолиятида ва бошқаларда фаол иштиштирок этиш маҳоратини ўз ичига олади. Фаолликнинг юқори даражаси инсоннинг шахсий такомиллашишга, яъни шахснинг шахсий ривожланиши, такомиллашишига йўналган онгли ва систематик фаолияти ўз ўзини тарбия қилишга интилишдир.

Унинг функцияларидан бири шахснинг иродали бўлиши ҳисобланади. Чунки ирода инсон психик фаолиятини фаоллаштириш ва йўлга қўйиш функциясини бажаради. Мақсадга ин-тилувчанликнинг мавжудлиги эса шахсни ўз ҳаётининг субъекти сифатида қарашга имкон беради. Мақсадга интилувчанлик шахс фазилати сифатида нафақат ҳаракатдан олдин содир бўладиган, ҳатто ҳаракат давомида юз берадиган мақсад қўйиш - мақсадни шакллантириш жараёнининг ривожланиш даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Ўсмирлик ёшида янги мақсад яратишга қобилият яққол ифодаланади. Лекин уни ўқитувчи ёрдамисиз амалга оширишга тайёргарлик етишмайди. Ушбу жараён иродавий кучни талаб қилади.

Ташаббускорлик ҳам ижтимоий фаолликнинг функцияларидан ҳисобланади. Ташаб-бускорлик деганда инсоннинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ихтиёрий қатнашишга тайёрлиги тушунилади. Унда қандайдир топшириқларни мустақил бажаришни ўзига олиб, фаол ҳаётга татбиқ қилади. Ташки таъсирлардан келиб чиққан ҳолда фаоллик кўрсатади. Ташаббускор инсонни ўз ҳаракати ва ғояларига жавобгарлик, зарур бўлганда уларни ҳимоя қилишга тайёрлик характерлайди. Ижтимоий ташаббус психологик ҳодиса сифатида умумий ташаббусдан фарқ қилиб, мақсади ижтимоий аҳамияти қимматга эга бўлган ҳаёт фаоли-ятининг турли соҳаларида намоён бўлади.

Ташаббус берилган топшириқларни қўйилган талабларга ҳамда ижтимоий қоидалар ва меъёрларга мувофиқ юқори даражада бажариш қобилиятида намоён бўлади. Шахс фазилати сифатида ташаббускорлик асосан ўсмирлик ва ёшлик даврида шаклланишини ўқитувчилар яхши билишлари керак. Бу даврда мустақил фикрлаш ва мустақил ҳаракат қилиш қобилиятлари таркиб топади.

Мустақиллик ҳам ижтимоий фаоллик функцияларидан бири ҳисобланади. Унда мақсад қўйиш, ўз кучи билан уларни бажаришга эришиш, унда масъулият билан, онгли ва ташаббус билан ҳаракат қилиш маҳоратида ифодаланади. Таниш шароитларда қандай ҳаракат қилинса, ностандарт қарорлар қабул қилишни талаб қиладиган янги шароитларда ҳам шундай фаолият кўрсатиш керак.

Мустақиллик ташки таъсирлардан, мажбурийликлардан эркинликни билдиради. Бирок мустақил ҳаракат қилишга интилиш, айниқса, ўсмирлик даврида ташқаридан ёрдам олиш имкониятини рад (инкор) қилмайди, чунки талабаларга ушбу фазилатнинг ривожланишига ёрдам бериш лозим. Бу ёрдам бево-сита, ҳам билвосита бўлиши керак.

Шахс фазилати сифатида ижтимоий масъулият ижтимоий аҳамиятли фаолият давомида шаклланади. Шунинг учун психологлар ва педагоглар ижтимоий масъулият моҳиятини бир-бири билан боғлиқ учта ёндашув бирлиги сифатида қарайди-лар. Яъни когнитив (ижтимоий кадриятлар ҳақидаги билимлар), мотивацион (кадриятларга муносабат, онгли бошқариш) ва ҳулкий (уларни фаолиятда амалга оширишга тайёрлик). Шундай қилиб талабалар шахсий ривожланишидаги ижтимоий масъулиятнинг намоён бўлиши ички бошқариладиган ўзини тутишга (хулқ-атворга) тайёрлик ва бошқа муносабатлар ўр-натишда кўринади. Унинг кўрсаткичи бўлиб, шахснинг бу си-фатларини атроф-муҳит билан кўп қиррали муносабатини, уларнинг жонли характерини изоҳлайдиган позицияси майдон-га чиқади.

Зеро, олий педагогик таълим жараёнида ўқитувчилар талабаларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириши долзарб ва ижтимоий муаммолардан бўлиб турибди.

РЕЗЮМЕ

Мақолада педагогик таълим жараёнида талабаларда ижтимоий фаолликни шакллантиришнинг моҳияти ва функциялари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, муаллиф талабаларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш бўйича ўз тавсияларини бериб ўтган.

В статье охарактеризованы сущность и функции подготовки студентов в системе высшего педагогического образования, выделены аспекты формирования у студентов готовности к социальной деятельности.

The article contains the characterization of the basis and functions of preparing students social activities of students in the system of higher pedagogical education, there were distinguished aspects of students' preparation to social activity.

NOGIRONLIKKA EGA BO'LGAN BOLALARNING ME'YORIDA RIVOJLANAYOTGAN TENGDOHLARI JAMOASIGA INTEGRATSIYASI

G.Tasbaeva – *assistent o'qituvchi*

L.Achilbayeva- *defektologiya yo'nalishi I-kurs talabasi*

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: sog'lom ona- sog'lom bola, ijtimoiy moslashuv, kompensatsiya, ijtimoiy-psixologik reabilitatsiya, anomaliya, genetik, irsiy omillar, integratsiya, adaptatsiya.

Ключевые слова: здоровая мать-здоровый ребёнок, социальная адаптация, компенсация, социальная психологическая реабилитация, аномалия, генетик, наследственные факторы, интеграция, адаптация.

Key words: healthy mother-healthy child, social adaptation, compensation, social psychological rehabilitation, anomaly, genetics, hereditary factors integration adaptation.

Mamlakatimizda birinchi Prezidentimiz rahnamoligida istiqlolning dastlabki yillaridan boshlab aholi salomatligini mustahkamlash, barkamol avlodni tarbiyalash masalasi davlat siyosati darajasiga ko'tarilib kelindi. Uning tashabbusi bilan e'lon qilingan "Sog'lom ona –sog'lom bola" "Oila yili", "Ayollar yili", "Sog'lom avlod yili", "Ona va bola yili", "Sihat-salomatlik yili", "Yoshlar yili", "Barkamol avlod yili", "Mustahkam oila yili" munosabati bilan qabul qilingan davlat Dasturlari o'zaro uzviylik kasb etdi.

Bu olijanob maqsad yo'lida qilingan ulkan ishlar bolalarimizning sog'lom tug'ilishi va ulg'ayishi, onalik va bolalikni muhofaza qilish, ijtimoiy himoyani kuchaytirish, ta'lim tizimini takomillashtirish, qolaversa, bolalar sportini rivojlantirishga qaratilgan keng ko'lamli islohotlardir. Sog'lom bola sog'lom va ahil oilada kamol topadi. Oilalarni mustahkamlash, sog'lom avlodni voyaga yetkazish uchun esa mamlakatimizda salmoqli ishlar amalga oshirilayotganini hech kim inkor etolmaydi. Birinchi galda onalarning sog'lig'ini muhofaza qilishga, xususan, ayollarimizni qadrlashga keng e'tibor berilmoqda, cheksiz g'amxo'rliklar ko'rsatilmoqda. Ayollarimizni turli kasalliklardan himoya qilish, og'ir ishlardan xalos etish nafaqat jamiyatning, balki er kishining ham burchi ekanligi qat'iy qilib qo'yilgan dunyoning birorta mamlakatida uchramasa kerak. Shu bilan birga, birinchi Prezidentimiz ta'lim-tarbiyaga e'tibor qaratib, bu boradagi quyidagi vazifalarni ko'rsatib bergan edi: "Xalq ta'limi, yosh avlodga ta'lim va tarbiya berish sohasi tubdan yangi yondashuvlar talab qiladi. Bolalarni maktabgacha tarbiya muassasalari bilan ta'minlashda keskin burilishga erishish zarur"[1].

Hozirda rivojlanishda nuqsoni bo'lgan bolalarni ta'lim-tarbiya, ijtimoiy moslashuvi va integratsiyasi muammosi eng dolzarb va murakkab nazariy va amaliy muammolardan biridir. Bir tomondan, nogironlikka ega odamlarga ularni jismoniy, psixik va intellektual imkoniyatlaridan qat'iy nazar ijtimoiy e'tiborni oshishi, ikkinchi tomondan, demokratik, fuqarolik jamiyatiga xos bo'lgan shaxs qadr-qimmatini va huquqlarini himoyalash zaruriyatining oshishi – mazkur guruh odamlarining psixologik-pedagogik ishi dolzarbligini belgilaydi. Nogironlik muammosini jismoniy bartaraf etish, salbiy munosabat, "kamchilikli, majruh a'zolari" jamiyatdan chetlatishdan imkoniyati cheklangan shaxslarni integratsiyalash hamda to'siqlarsiz hayot faoliyati muxitini yaratish zarurati tomon rivojlanishi kuzatilmoqda. Boshqacha qilib aytganda, hozirgi kunda nogironlik – bir inson yoki odamlar guruhi emas, butun jamiyat muammosidir. L.S.Vigotskiyning yozishicha: "Shaxs taqdirini hal etishda nuqsonning o'zi emas, u orqali yuzaga keluvchi ijtimoiy oqibatlar, uning ijtimoiy-psixologik realizatsiyasi eng asosiy rol ni o'ynaydi. Shu kabi kompensatsiya jarayoni ham kamchilikni to'g'ridan-to'g'ri to'ldirishga emas, u sababli kelib chiqqan muammolarni bartaraf etishga yo'naltiriladi"[2].

Shunday qilib, bir xil psixik yoki jismoniy kamchilikka ega ikki bola jamiyatda bir-biridan tubdan farq qiluvchi rollarga ega bo'lishlari mumkin: biri jamiyatning faol a'zosi, jamiyat rivojiga hissa qo'shib va to'laqonli hayot kechirsa, ikkinchisi boshqalarga to'liq qaram, o'zini inkor qilingan deya his qilib hayot kechirishi mumkin.

Jamiyat ongida va ommaviy aloqa vositalari inikosida nogiron bolalar muammosi ko'p hollarda bolani turli jismoniy va aqliy kasalliklar bilan dunyoga kelishi oila uchun katta jarohat bo'lgan achenarli va baxtsiz mavjudot sifatida aks etadi. BMT ma'lumotlarga ko'ra, dunyoda psixik va jismoniy rivojlanishda nuqsoni bo'lgan odamlar soni taxminan 450 millionga yetib, bu sayyoramiz aholisini 1/10 qismini tashkil etadi.

Xalqaro sog'liqni saqlash tashkiloti(XSST) ma'lumotlariga ko'ra, dunyoda mazkur guruh aholisi 13%ga yetib(3% bolalar intellektual kamchiliklar bilan, 10% bolalar boshqa psixik va jismoniy kamchiliklar bilan tug'iladi), dunyoda 200 millionga yaqin imkoniyati cheklangan bolalar yashaydi.

Bolaning xoh ona qornida, xoh tug'ilganidan keyin rivojlanib borishi uchun zarur bo'lgan ma'lum shart-sharoitlarning buzilishi turli xil anomaliyalarga, ya'ni jismoniy yoki ruxiy nuqsonlar, kamchiliklarga olib kelishi mumkin.

Rivojlanishda nuqsoni bo'lgan bolalar turli toifadagi nuqsonlarni o'z ichiga oladi. Ular quyidagilardir: [3]

1) eshitish kamchiliklariga ega bo'lgan bolalar (tug'ilishdan kar, zaif eshituvchi bolalar", keyinchalik zaif eshituvchi bo'lib qolgan bolalar);

2) ko'rish qobiliyati zaif (ko'zi ojiz, zaif ko'ruvchi bolalar);

3) ko'zi ojiz-kar-soqov bolalar;

4) Intellektual rivojlanishning buzilishi. Bu toifaga bosh miyaning tug'ma yoki 2-3 yoshgacha bo'lgan davrdagi orttirilgan jarohatlanish, psixik kasallik (epilepsiya, shizofreniya va b.q.)i natijasidagi aqliy va psixik rivojlanishning buzilishi kiradi. Bilish faoliyatining buzilishi mazkur toifaning asosiy me'zoni xisoblanadi;

5) og'ir nutqiy nuqsonlari mavjud bolalar. Yengil darajadagi nutq nuqsonlari (talaffuz, o'qish va yozuv buzilishlari) ko'pgina bolalarda kuzatiladi. Shu bilan birga ular og'ir darajadagi nutq nuqsonlari ko'rinishida ifodalanishi mumkin bo'lib, bunda bolalar umumta'lim maktabi dasturini o'zlashtirishda qiyinchiliklarga duch kelishi yoki umuman o'zlashtira olmasligi mumkin;

6) harakat-tayanch a'zolarida kamchiliklari bo'lgan bolalar. Bu toifaga bolalar serebral falajlari ham kiradi. Harakat kamchiliklari turli shakllarda: harakatsizlik(falaj, parezlar), giperkinez(ixtiyorsiz harakatlar) kuzatiladi. Shu bilan birga ular turli darajadagi og'irlikda – koordinatsiyaning yengil buzilishlaridan to'liq harakatsizlikgacha namoyon bo'lishi mumkin;

7) ruxiy rivojlanishni buzilishi. Bu toifaga psixik rivojlanishning orqada qolishi, zararlanishi va disgarmonik tipda rivojlanishi kiradi. Psixik rivojlanishning buzilishi turli og'irlik darajadagi muloqot, xulq-atvor muammolarida, moslashuv qiyinchiliklarida (atrofdagilar bilan aloqani umuman yo'qligidan yangi sharoitga moslashishdagi yengil qiyinchiliklarga) namoyon bo'lishi mumkin. Psixik rivojlanishi buzilgan bolalar intellekti saqlangan bo'lishi mumkin, lekin ko'pincha nuqsonni og'ir darajalarida intellektning ikkilamchi kamchiliklari kuzatiladi(ya'ni, birlamchi kamchilik oqibatida kelib chiqadi)

Kelib chiqish sabablariga ko'ra har qanday anomal rivojlanish tug'ma yoki turmushda orttirilgan bo'lishi mumkin.

Tug'ma anomaliyalar ko'p jihatdan xomilador onaning sog'lig'i va yashash sharoitiga bog'liq. Ona qornidagi xomilaning rivojlanishiga infeksiya, intoksikatsiya, shikastlanish va boshqa omillar ta'sir etishi mumkin. Onaning xomiladorlik davrida turli xil kasalliklar bilan og'rishi, uzboshimchalik bilan turli dori darmonlarni bilar-bilmas iste'mol qilishi bolaning anomal bo'lib tug'ilishiga sabab bo'lishi mumkin.

Tug'ma anomaliyalar genetik, ya'ni irsiy omillar ta'siriga ham bog'liq bo'lishi mumkin. Masalan eshitish, ko'rish analizatori faoliyatining buzilishi, aqliy zaifliklarning nasldan bolaga O'tishi ham kuzatiladi (Daun kasalligi, rezus faktorning mos kelmasligi va boshqalar).

Ota-onalarning alkogolizm, narkomaniya, toksikomaniyalari ham bolaning nuqsonli bo'lib tug'ilishiga olib kelishi mumkin.

Turmushda orttirilgan anomaliyalar bola organizmiga tug'ilish vaqtida va undan keyingi davrlarda zararli omillar ta'sir etishi